

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҮМІТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 88 (65964)  
1996 йил, 27 ноябрь, чоршанба

Сотувда эркин нархда

## «ТОНГ ЮЛДУЗИ» «ЛЕНИН УЧҚУНИ» ЭМАС

деган сарлавҳага кечаги «Ўзбекистон овози» газетасида кўзин-гиз тушган бўлса керак. Ёзувчи Абдуқадир Иброҳимов ҳозир Ўзбекистонда 23 миллиондан ортиқ аҳоли яшаётганини, уларнинг кўпчилиги болалар ва ўсмиirlар эканлигини таъкидлар экан, «Тонг юлдузи» «Ленин учқуни»нинг айнан ўзи эмас, у мазмун моҳияти билан тамоман янги нашрдир. Унда фақат болалар ва ўсмиirlарга мўлжалланган материалларгина эмас, балки шу билан бирга биз — ота-оналар, бобо ва бувиларга ҳам

тегишили, фарзандларимиз туфайли бизлар ҳам билишимиз лозим бўлган ўқимишли мақолалар чоп этилмоқда», дейди.

Биз таҳририят жамоаси мақоладан жуда қувондик, чунки газетамизга нафақат болалару, болалар нашрлари, балки оташон газеталару кўпни кўрган катталар ҳам бефарқ эмас экан. Чиндан ҳам, атоқли адабимиз айтганидек, «Тонг юлдузи» озод ва мустақил Ўзбекистоннинг ҳур фарзандлари газетаси, уларнинг мураббий, устозларининг ҳам нашридир.

## ИШОНЧНИ ЙЎҚОТДИКМИ?

Ота-оналаримиз ҳамиша: «Ўзингдан каттага иззатда бўл», «Ёши улуг инсонларнинг қадрига ет», «Кекса одамлардан хизматингни аяма», дея панднасиҳат қилишади. Биз ҳам уларнинг ёзларига доимо амал қилишга ҳаракат қилимиз. Пекин...

Уша куни дугоналарим билан мактабдан қайтаётгандик. Қўзимиз оғир юкни амаллаб кўтариб келаётган онахонга тушди. Унга дарҳол ёрдам бермоқчи бўлдик. Аммо «Сумкамнинг ичидаги сут-қатиқ бор, сенлар уни чайқатиб юборсанлар. Ўзим кетавераман» деб ёрдамимизни рад этганиндан ниҳоятда ҳижолат тортиб бир-бира-

мизга қарадик.  
Нега дейсизми? Ахир бизга ўхсан ўқувчилик аввал профессия шундай кексаларнинг оғирини енгил қилиб, юмушларини кўнгилдаги дек бажарган парида онахон бизга ҳам ишонган ва бажону-дип хизматимизни қабул қилинган бўларди. Айтинг, тенгдошлар, кексалар олида ишончимизни йўқотиб қўймаяпмизми?



ни қара, қатиқ билан ювиб, силлиқ тарасант, жамалак қилиб уриб юрсанг қандай ярашади.

Бу гаплардан сергак тортдим.

## МИЛЛИЙ УРФДА КИЙИНСАК...

Автобус кутаётгандик, бекатдаги ўринидикда утирган кекса онахоннинг ёнидаги қизалоққа айттаётган гапларидик-қатимизни тортди.

— Сочларингнинг тўзғигани-

ни қара, қатиқ билан ювиб, силлиқ тарасант, жамалак қилиб уриб юрсанг қандай ярашади.

Бу гаплардан сергак тортдим.

Атрофда буви айтган жамалак-соҳи қизлар эмас, сўнгти урфда кийинган, соchlари калта қирқилган ва ёйилган қизлар кетиб борарди.

Шунда ўйлаб қолдим. Ўзбекистонимиз мустақил бўлганига беш йилдан ошди. Миллий қадриятларимиз, ўзбекона урфодатларимиз қайтмоқда. Қани энди кийинишимиз, соҳи уришими, юриш-туришимизда ҳам ўзбекона гўзаллик барқ уриб турса. Сиз нима дейсиз?

Севара ИСОҚЖОНОВА,  
Азиза МАҲМУДОВА,  
Тошкент шаҳридаги  
Юсуф Мўминов номли  
мактаб ўқувчилари.



Шерали сизнинг тенгдошингиз. Зангиота туманидаги 34-мактабнинг 5-синфида ўқиши. Оддийгина бола, ўқишилари ҳам ўртача. Лекин яқинда қилган жасорати унинг номини ҳаммага танидти. Тенгдошлари ҳавас қилиб, каталар эса «барака топгур» дейа алқаб гапиришпти...

Мактабдан қайтан Шерали апил-тапил чой ичган бўлдида, далага отланди. Серқатнов темир йўл ёқалаб поёнсиз бедазор ястанаб ётари. Тусадан поезд қаттиқ овозда сигнал берди. Не куз билан курсинки, катта тезликда келаётган электричка поездининг йўлидан бир кулида бола кутарган, иккинчи кулида 3-4 ёш

## ҚЎРҚОК БОЛАЛАРДАН ЭМАСМАН

лар чамасидаги ўғилчасини етаклаган аёл кесиб ута бошлади. Кутилмагандага ўғилчаси темир йўлга қоқилиб йиқилиб тушди. Онаси эса уни тургазиша улгурулмади. Бу орада поезд жуда яқин келиб қолганди. Атрофдаги одамлар хавотирда, кимдир қўркувдан қаттиқ қичқириб юборди. Бироқ ораларидан ҳеч бирлари юрак ютиб болали куткаришга ботинолмасди. Оралиқ масофа 1 метрлар чамаси қолди. Шерали ҳеч иккисинамай болакай томон югурди, уни даст кўтариб, четга улоқтириб юборди. Катта тезликда келаётган поезднинг зинаси Шералини қаттиқ туртиб ўтиб кетди. Шундай сунгина «акл-күшларини йигит олган» катталар ёрдамга ошиқишиди. Болаларни тургазиб, уст-бошларини қоқишиди. Шерали кунгли айнаб, қаттиқ оғрик сезди. Маълум булишича, зарбадан унг қули синган экан. Ҳалигина ҳаётини хавф остида қолган болакайнинг эса бирор жойи ҳам тиранлабди...

Шерали ўқийдиган мактабда унинг шараfigа тантанали йигилиш ўтказилди. Мактаб жамоаси, ота-оналар унга самимий миннатдорчиллик билдириб, совгалар беришиди. Шералининг жасорати туфайли улимдан қолган болакайнинг онаси эса миннатдорчиллик куз ёшлирини тия олмас, Шералини қайта-қайта бағрига босарди...

— Улим билан юзмас-юз келисан-а, кўрқмадингми? — сураймиз кичик ҳаракмондан.

— Қўрқоқ болалардан эмасман, — дейди бир қулини бўйинга илиб олган Шерали. — Мен ахир «Атланта-96» мусобақалари бокс бўйича бронза медалини олган Карим Тулагановнинг мактабидаги ўқийман...

Дилфузада ТОЖИБОЕВА,  
Тошкент вилояти.

## ОЛҚИШ КИМГА ЁҚМАЙДИ !

Дейлик, яна бир неча кундан сўнг ойижонингизнинг тугилган кунларни сиз уларга чиройлик кўйлак тикиб совға қилдингиз. Тикишни сиз албатта мактабингизда ташкил этилган тўгаракда ўргангансиз. Балки ўғил болалар меҳнат дарсига жува, ёки чакиҷ ясад ўзидан катта опачасига совға



қилиб, олқиши олгандир? Олқиши эса ҳамиша ҳаммага ёқади.

Сирдаре вилояти, Сирдаре туманидаги 31-мактабда ана шунаقا мақтаса арзийдиган болалар таълим олишади.

Суратларда: 1. Устоз Ҳанифа она Аҳмедова шогирдлари ишини доимо кузатиб боради.

2. Меҳнат ўқитувчisi Ашурали ака Рафиев токорлик дастгоҳи ёнида шогирдларига жўва ясашни кўрсатиб бермоқда.

Х. ЗУЛФИКОРОВ олган сурат.



Мустақил юртимизнинг қиёфаси кундан-кун ўзгариб, халқимизнинг ҳаётини янгилаштирибди. Айниқса, ёшларимизда янгиланишга, жаҳон стандартларига жавоб берадиган мутахассис булишига интилиши кучли. Чунки, Ватанимизнинг порлоқ келажаги илм-фан, янги технологиянинг тараққиети, ёш авлоднинг маънавий ва маърифий фаоллигининг юксалиши билан белгиланади.

Ижтимоий тарбия тизими билан умумий таълим мактабларида амалга оширилаётган тарбиявий-мағкуравий таъсир орасидаги алоқадорликни такомиллаштириш усуллари ҳақида ўйлар эканман, шу фикрга ишонч ҳосил қўлдимки, фақат адабиёт дарсларида эмас, балки тарих, география ҳатто математика, физика фанидан буладиган машгулотларда ҳам бадиий адабиёт намуналаридан самарали фойдаланиш яхши натижалар беради.

Аждодларни авлодларга, утмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғлайдиган ягона омил китоблардир. Яхши асарлар ниҳоятда зўр қийинчиликлар билан яратилган. Улар мустақилликни, улуг юртимизни қадрлашга, уни асрарга ўргатади.

Мен Узбекистон тарихи фанидан машгулотлар ўтиш жараённада мавзуга мослаб Эркин Воҳидовнинг «Узбегим», Абдулла Ориповнинг «Узбекистон — Ватаним маним» қасидаларидан жуда күп

фойдаланаман. Уқувчиларга қасидаларнинг ҳар бир бандига мослаб рефератлар тайёрлаш ҳақида топшириқ бердим. Натижада кутилганидан ҳам аъло булди. Болалар рефератни ҳар бандига мос расмлар билан безатишибди. Улуг алломаларимиздан қолған улкан мерос ҳақида билганиларни вақтли матбуот са-

Қодиров, А. Орипов, Р. Парфи каби адилларимизнинг тарихий мавзудаги асарлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Қизгин савол-жавоб, баҳс-мунозара руҳида утган бу тадбир сўнгидаги уқувчилар билан китобга муносабат, мутолаа маданияти тўғрисида сухбатлашдик.

## МУТОЛАА МАДАНИЯТИ

**Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир. Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблагни аяш, ўз келажагига болта уриш демакдир.**

**Ислом КАРИМОВ.**

хифалари ва тавсия қилинган асарлардан ўқиганлари, шунингдек, тарих дарсларида ўтишганлари асосида ёзишибди. Менинг энг қувонтиргани шу булди-

**Муаллим гўзал ахлоқли, тарбияли бўлиши лозим бўлса, муаллимлик учун керак бўлган маълумотта, муаллимлик каби шарафли бир хизматни бажо келтириш учун иқтидор ва қудратга эга бўлиши яна ҳам ортиқ даражада лозимдир. Болаларни тарбия қилувчи зот маълумотсиз ёки иқтидорсиз бўлса, жуда ҳам зўр зарар келтиради. Муаллимлик қилувчи зотнинг аллома бўлиши шарт эмас, лекин таълим-тарбия илмидан бехабар бўлиши кечирилмайдиган айбидир.**

ки, мавзуга ижодий ёндашиш, кашфиёт яратишга интилиш бор. Кейин китобхонлар конференцияси ўтиказдик. Тадбиризни «Асарларда Ватан тарихи» деб номладик. Уқувчилар И. Муминов, Б. Аҳмедов, Т. Файзиев каби олимларимизни Э. Воҳидов, О. Ёқубов, П.

Китобни тўғри мутолаа қилиш, уни озода сақлаш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Болаларни мутолаага ўргатишда биз муррабийлар ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз керак. Фарзандларимиз дуч келган китобни пала-партиш, тушуниб-тушунмай ўқишиларига йўл қўймаслигимиз лозим.

Азиз болажонлар, китоб сизнинг энг яқин дўстингиз, меҳрибон устозингиздир. Шунинг учун танлаган китобингизни ўқишидан олдин ўқитувчиларингиз, ота-онангиз билан маслаҳатлашинг. Кейин алоҳида каттароқ дафтар тутиб, унга ўқиган асарларингизни қисқача мазмуни, унинг муаллифи, ҳамда китобдан олган таассуротларингиз ҳақида мунтазам ёзиз боринг. Бу усул аввало сизни фикрлашга, мустақилликка, ўзузини англашга, ҳар бир ишга мамнуният билан ёндашишга ўргатади. Қатъий интизомга, тартибга кўнигиради. Кейин

дарсхонангизда албатта шахсий кутубхонангиз булиши шарт. Сиз бу кутубхонани фақат китоблар билан эмас, балки «Тонг юлдузи», «Гулхан», «Ёш

Ҳар бир санъат ва касб учун ўзига муносаб истеъод керак. Таълим ва тарбияда вазифани муқаммал ҳолда бажариш учун барчасидан ҳам кўпроқ иқтидор лозимдир. Кўнгилда бўлган илмни очиқ, равшан этиб англати билиш иқтидордир. Ўргата билиш иқтидоридан маҳрум бўлган зот Арасту ҳакимдек буюк файласуф бўлса ҳам мактабда муаллим бўлиб, ёш болаларга дарс бериш қўлидан келмайди. Болаларнинг умрини бекор ўтказади. Олимлик, файласуфлик бир нарса, муаллимлик бошқа бир нарсадир.

куч», «Туркестон» каби газета ва журнallар билан ҳам бойитиб боришингиз мумкин. Яна, ҳеч торгинмасдан ўқиган асарларингиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни қоғозга тушириб, юқоридаги газета-журналларга юборсангиз, республикализмнинг турли шаҳар ва қиши

лоқларидан ўзингизга ҳамфи-кілар топасиз, дўстларингиз кўпаяди. Маънавий жиҳатдан устунликка эришиш йули ҳам китоблар билан дўстлашишдир. Улар сизни ўтмиш воқеаларини қайта баҳолашга, бутун ва истиқбол ҳақида мулоҳаза юритишга ундейди. Ёшлигимда ўшиштан бир ривоят ҳеч хотирамдан кўтарилимайди.

Қадим замонда бойлиги билан етти иқлимга машҳур бўлган шоҳ ўтган экан. У доим ўзининг хазинаси билан мақтанаар экан. Бир куни унинг мамлакатига бошқа улқалик қаландар келиб қолибди. Кўрсаки, бутун халқ оғизда шоҳ хазинасининг кўплиги, унинг бойлиқда ягоналаги. «Хой инсонлар, — дебди жаҳонгашта қаландар. Бунча мақтанаисизлар, шу ҳам бойлик булибдими, мен бир донишмандни кўрдим. Ана уни бадавлат деса булади».

Бу хабарни чопарлар дарҳол шоҳга етказишибди. Шоҳ газабланиб қаландарни ҳузурига чақирибди.

— Сўйла-чи, ким экан ўша мендан бадавлатроқ одам, — сўрабди шоҳ.

— У бир буюк олим... — жавоб берибди қаландар.

— Нимаси бор унинг, — дарғазаб бақирибди шоҳ.

— Истаса оламни ҳароб, истаса обод этгувчи китоблари бор, — дебди. Уландағина шоҳ дунёда билимдан ва китобдан буюкроқ ҳазина йўқлигини англаб жим қолган экан.

Истеъододи шоир Аъзам Уқтамнинг ушбу шеъри менга жуда ёқади. Бу шеърда миллий қадриятларимиз, улкан тарихий меросимиз, халқимизнинг қадимий анъаналари ўз гўзал ифодасини топган. уни менинг барча ўқувчиларим ёд билишади. Сизларга ҳам ушбу шеърни ёд олишни тавсия қиласардим:

**Кул бўлган эмасмиз ҳеч биродарлар, Гарчи кўп босқинлар, таловлар ўтди: Ўқталган мушт каби турар минорлар Мақбара қуббаси дубулга худди.**

**Ва буткул саводсиз эмасдик ҳечам, Бунга ишонмайман, бу гап кўп оғир.**

**Ҳатто уй шифтининг вассалари ҳам Китоблар шаклида курилган ахир!**

**Юлдуз ҲАМРОЕВА, Самарқанд вилояти, Каттакўрон туманидаги 17-мактабнинг олий тоифали тарих ўқитувчиси.**



## ҚОЯЛАРГА ЧИҚИШ ОСОНМАС

Ваҳимали тик қоя. Усмир арқонга тирмашганча чўққи томон интилади. Тусатдан тойиб, бир оёқда осилганича муаллақ қолди. Пастдагилар юрак ҳовучлаб «вўй» деб юборишиди. Йўқ, болакай даррон ўзини унглаб олиб, яна қояга оёқ куйди ва илдам юқорига интилди.

Бу эгчил спортчи бола пойтактимиздаги «Шарқ баҳодири» клуби қопшида ташкил этилган ёш алпинистлар гурӯҳи аъзоси, Тошкентдаги 317-мактабнинг 5 синф ўқувчиси Рашид Мардалиев эди.

— Халқаро спорт майдонларида юртимиз шарфини ҳимоя қилиш бизнинг орзумиз, — дейди Рашид. — Алпинизм сирларини қанчалик кўп эгалласак, келгусида халқимиз учун шунчалик кўп фойдамиз тегади.

Суратларда: ёш спортчиларнинг катта синовларга тайёр гарлик пайти. Уларнинг кўл-оёқ, гавда мускуллари шундай мустаҳкамланиб, бақувват тортиб боради.

**Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.**



Наманган— Бобораҳим Машраб, Сұғизода, Усмон Но- сир, Чустий, Ҳабиб Саъдулло- лар ватани. Нега биз бу юртнинг фақат шоирларини санадик? Чунки улар оз сўз- лаб кўп тинглагани боис, ўқиб- ўргангани сабаб шоир бўлиш- ган. Шоирлик Оллоҳ инояти экан, Наманган вилоят Ҳалқ таълими бошқармаси бошли- ги Ҳабибулла Убайдуллаев- нинг ҳам шоир табиатлигини ёш авлодга кўрсатаётган оқи- батидан билиш мумкин. Ви- лоятда 653 та умумтаълим мактаблари булиб, 410 мингдан ортиқ болаларга 28 минг нафар ўқитувчи билим бер- моқда экан. Қишлоқларда жойлашган 310 та мактаб қаровга, эътиборга муҳто- лиги боис янги мактаб би- нолари қурилиши авжид. 2000 йилгача 12,5 минг ўрин- ли замонавий мактаб бинола- ри қурилади. 105 та мактаб тугал таъмиранади. Телефон- лаштириш, ичимлик суви, та- биий газ, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш муаммола- ри ҳал этилади. Янги ўқув йили учун 76 номда бепул фонд дарслеклари олинибди, 1-синфлар тўлиқ лотин ёзу- видаги янги алифбо билан таъминланишибди. Бу йил 5657 нафар ўқувчи Олий би- лим юртларига, 9-синфларни битирганлардан 2528 нафари ўрта маҳсус ва ҳунар билим юртларига тест синовларини мувваффақиятли топшириб кирибдилар.

Вилойтдаги 15 та лицей, 6 та гимназия типидаги мактаблар ва чуқурлаштирилган 78 гимназия лицей синфларда 27500 бола таълим олмоқда. 2 та узбек-турк лицейида инг- лиз, француз, немис тиллари- да дарс ўтмоқдалар. Рус тили барча мактабларда, 26 мактабда тоҷик, 5 тасида қирғиз тиллари ўтилмоқда. Наман- ганлик маҳсус танловдан ўт- ган иккى ўқувчи Америкада, 4 ўқувчи эса Туркияда таълим олмоқда. Бу йил узбек-турк

лицейини битирган 33 ўқув- чидан 26 нафари Республика- даги олий ўқув юртларига ўқишига кирган бўлса, 4 нафа- ри Туркияда ўқиши учун юбо- рилдилар.

Ҳабибулла Убайдуллаевич иқтидорли болалар кўрик-тан- ловлари ҳақида тұхталиб, Ту- ракүргон, Наманган туманла- рининг 4 ўқувчиси мукофот- ли ўринларни эгаллаганини айтдилар. Олимпиадаларда қатнашган ўқувчилар туман, шаҳар ва вилоят босқичлари- да кўзга кўринарли ўринлар-

Халқ таълими соҳаси ҳам жиддий эътиборни талаб эта- ди. Вилоятда кейинги беш йилда ўқувчилар сони 39 минг нафар кўпайди. Бу эса ўз нав- батида янги мактаб бинолари- ни, қўшимча синф хоналари- ни куришни тақозо этади.

Мавжуд мактабларнинг яр- мида спорт заллари, тиббиёт пунктлари ва канализация ша- хобчалари, уларнинг бир қис- мида ҳатто ошхона, спорт майдончаси ва водопровод йўқ. 22 мактаб эса авария ҳолати- даги биноларда жойлашган.

Айни пайтда 69 мактаб, 25 болалар боғчаси қурилиши маблағ етишмаслиги сабабли тұхтатиб қўйилган.

**Президент Ислом Каримовнинг Ҳалқ Депутатлари Наманган вилоят кенгасида сўзлаган нутқидан.**

ҳам «Ленин учқуни» («ҳозир- ги «Тонг юлдузи»ни) ўқиб улғайганимиз, дунёни англа- ганимиз, — дейдилар.

«Ҳозирнинг узида Учқур- гон шаҳридаги Охунбобеев ва Қумтүргон, Наманган шаҳ- ридаги Зарафшон каби маҳал- лалар 1997 йилги обунада юз- лаб камдаромадли ночороила фарзандларига «Тонг юлду- зи» газетаси обунаси учун маб- лаг ўтказиб бердилар. Бизни- нг ҳисобларимизга қараганда вилоятларимиз мактабларида «Тонг юлдузи»нинг доимий

## КАРС ИККИ ҚҰЛАДАН



ни эгалладилар. Тұрахонов Қо- дирхон деган ўқувчимиз Тур- кияда ўтказилган жаҳон олим- пиадасида голиб чиқиб, олим- пиаданинг бронза медалини олишига мұяссар бўлди, деди- лар қувониб. Эътибор қылган бўлсангиз, юртбошимиз мак- таблар қурилишига танқидий қараганлар. Үқитилишига эмас. Чунки, Наманган вилоят- тида илмга чанқоқ ёшлар кўп. Билим даргоҳларининг 315 тасида 323 та компьютер си- нфлари мавжуд булиб, буларда ўқувчи ва тарбияланувчи- ларга компьютер сабоқлари ўргатилмоқда. Бизнес мактаб- лари, ҳунар лицеелари ишлаб туриди. Наманган шаҳрида Бизнес мактаби очилди. Бу бизнес ва умумтаълим мак- таблари ёшларга 97 тадан ор- тиқ касб-ҳунар ўргатса, булардан 29 таси миллий ҳунар- мандчиликдир. 165 та «Устоз- шогирд» мактабларининг ҳам- масида ҳам миллий касблар ўргатилаётганлиги бошқарма бошлигининг қадриятлари- мизга бефарқ эмаслигидан да- лолатdir. Туман ва шаҳар бир- жаларининг ҳамкорлигига ка- сб ўргатиш учун 2-3 ойлик курслар ташкил этилганлиги

ҳам шундан далолат.

Маърифатли бўлиш учун аввало ахлоқ-одобли, мада- нияти, тарихимиздан хабардор булишимиз лозим.

Ҳабибулла Убайдуллаев мамлакатимиз йўлбошчиси қатый таъкидлаганларидай,

Ўқитувчиларингизни доимо ҳурмат қилинг ва уларга итоат қилинг.

Ўқитувчиларинг ҳақи ота-она ҳақи билан баробар- дир. Сизга билим ўргатган, яхшилик ва ёмонликни бил- дирган ўқитувчиларингиз- дир. Улар сизларга гўзал тар- бия берадилар, баҳтили бу- лишиниз учун ота-онангиз каби гайрат қиласидар. Шу- нинг учун уларнинг розили- гини олиб, берган дарсларини яхшилаб тинглаб, аълочи булиб ўқишига гайрат қиласидар. Ўқитувчиларингиз ёнида одоб ва тарбияга зид бирорта ҳам ҳаракат қилма- нг. Уларнинг сўзларидан чиқманг, синфга кирган ва- қтларидан ўринингиздан ту- риб, ҳурмат билан қарши олинг.

« ёш авлодни бой маданий ме- росимиз ҳамда тарихий қад- риятларимизга ҳурмат-эъти- бор, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбия- лаш...» ишида шубҳасиз мат- буотнинг, айниқса, болалар ва усмирларнинг ягона газе- таси бўлган «Тонг юлдузи»ни- нг аҳамияти беқиёс эканли- гини билади. Чунки узимиз


## Обуна — 97

зини биладилар. Бошқарма бошлиги ҳам сўзини мухтасар қилар экан, маънавиятли фар- зандларимиз камоли учун —

«Тонг юлдузи» чараклаб тури- ши керак, бу чароғонликда тугал мавзулар, эзгу тилаклар мустажоб бўлиши шарт, де- ган гапни айтгандай бўлди. Бунинг учун наманганлик муштарийлардан ижобат ку- тамиз. Наманганда «Тонг юл- дузи» мухбирлар постини таш- киллаш керак. Вилоят ўқув- чилари ўз оламларидаги ян- гиликлардан бизни хабардор қилиб туришлари лозим. Бу- нинг учун эса яна обуначила- римизга суюнамиз. Уларнинг кўплиги, бизлар учун айти- жак фикр-мулоҳазаларининг тўплиги ҳам бошлиқларимиз- га боғлиқ. Сиздан ижобат, азиз Ҳабибулла Убайдуллаев!

Ахир қарс икки қўлдан. Ю- тбошимиз «Маънавиятсиз ке- лажак йўқ» деб қайта-қайта таъкидлар эканлар, мутолаа санъатига ўргатмоғимиз ке- рак фарзандларимизни. Кўп ўқиган кўп билади. Бугунги кунда обуна борасида оқсаёт- ган вилоятлар қаторида ҳам Наманганни қуришни иста- маймиз. Чунки Наманган оли- му алломалари, шоиру санъат- корлари билан қади ростлан- ган гўша!

**ЮЛДУЗХОН.**



Нажмиддин ака Рустамов кўп йиллардан бери Тошкентдаги 224-мактабда физика фанидан сабоқ берадилар. Устоз ташаббуси билан мактабда физика тўғараги фоалият кўрсатмоқда. Ўқувчи- лар физика фанига оид газета ва стендлар тайёрланган.

Суратда: Нажмиддин ака Рустамов 9-синф ўқувчиси Заҳодир Ҳайт Шайхов билан машгулот пайтида.



Яқин хориж мамлакатлари даги шаҳарлардан бирда Думбуйвой деган бир бола яшагаң экан. У ҳар куни саҳарлаб бозор дарвозаси ёнида пайдо бўлар, иши тифиз дехқонлардан мева, сабзавот, қовун-тарвузларни арzon-гаров сотиб олар, сунгра кун буйи шаҳар аҳолисига учтўрт баробар қимматига сотар экан. Шу тариқа у тез орада жуда бойиб кетибди. Шаҳардан данғиллама ҳовли сотиб олиб, чайқовни қизитиб юборибди.

Кунлардан бир куни пулдор бола арzon-гаров сотиб олган шакарпалак қувунари и «Еланлар дармонда — еманглар армонда» деб жар солиб, пуллаб турган экан, асо тутган бир мўйсафид унга яқинлашиб, илтижо қилибди:

— Болам, кекса бир одамман. Марҳаматингни аяма, қовунингдан бир тилим бер, зора белимга қувват, кузимга нур бағишласа... Ахир, еланлар дармонда деяпсан-ку.

— Йўқ, бобой. Бу қовуналар пулга келган, пулга сотилади. Текинга қовун тугул, урганини ҳам бермайман.

— Йўқчилик қурсин болам. Енимда бир мири ҳам пулим йўқ. Бир тилим қовун берсанг, дуо қилардим, савобга қолардиг.

— Йўқ дедим-ку, бобой. «Пул бўлса чангальда шўрва» деган гапни эшитмаган экансиз-да. Пул бўлса, ҳар қанча дуо ҳам, савоб ҳам олиш мумкин.

— Майли болам. Илойим омадингни берсин...

Мўйсафид шундай деб куздан ғойиб булибди.

Пулдор боланинг ишлари пишоқ билан сарёғ кесгандек силлиққина кетаётган экан, аммо... Бехосдан юртни кулфат босибди, шаҳарга ёв бостириб кирибди. Кучлар тенг эмас экан. Шаҳар аҳли ҳар тарафга қоча бошлибди.

Пулдор бола ҳам йўл тараддини курибди. Йиққан тахтаку пулларини қопга солибди. Сунгра нон, сувдон, ноз-нельматларни жойлабди. Харчанд уринимасин, нарсаларини қопга сифира олмабди.

— Энди нима қилдим? Шунча ийл йиққан пулларимни ташлаб кетавераманми? — деб қайтуга тушибди. Сунг узича ўйлабди: — Тухта-чи, сувдоннинг нима кераги бор узи? Ҳамма жой ариқ-зовур-ку! У сувдонни қопдан чиқарит ташлаб, урнига пулларини солибди. Барибир пуллари сигмабди. Шунда «Пул бор жойда нон ҳам, нозу неъматлар ҳам муҳайе-ку» деб кунглидан

утказиб, ноннинг урнига ҳам пулларини жойлабди. Қопини орқалаб, ёнаётган шаҳарни ташлаб қочаётган оломонга қушилибди.

Кочоқлар йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Шомга яқин бехатар бир сайхонликка келиб тұхташибди. Ҳар ким уз чодирини тикиб, шом номозини үқишига киришибди. Пулдор бола ҳам қопини қўйиб, нафасини ростлабди.

Шу кеч гулханлар ёқилмабди. Ҳамма душман таъқибидан кўркиб, тунни хавотир билан утказибди.

Тонг отибди. Душман таъқибини сезмаган одамлар энди тириклик йўлига тушибди. Ҳар жой ҳар жойда давра қуришиб, тамалди қила боиланиб-

қоғингни босса, пул чайнайвер...

Боланинг жони халқумига келибди. Бир ёқдан очлик, иккинчи ёқдан ташналик бўгиб кела бошлабди. Бошик айланаб, куз олди қоронгилашибди. Уни даҳшат босибди. Уксис-ўксис йиглабди. Шунда узокдан қўлида асо тутиб келаётган бир мўйсафидин кўриб қолибди. Уни дарҳол танибди, бу уша қария—бозорда бир тилим қовунини унга раво кўрмаган эди. Ҳижолатдан ер чизиб қолибди.

Мўйсафид унга яқин келиб:

— Ҳолингн кўриб турибман болам, қўй кўпам хафа булаверма. Худо хоҳласа ҳаммаси яхши булади, — деб кунглини кўтарибди. Қўйидан ярим бурда нон ва сувни охирилаб қолган сувдонини чиқариб, болага узатибди. Бола апил-тапил нонни оғизга тикиб, сувдондаги сувни иҷиб қўйибди. Бир зум нафси ором олган-дек булиб, чукур ҳурсинибди.

— Бу охирги нон ва сувим эди, — дебди мўйсафид оҳиста, — ҳечқиси йўқ. Мен бир кекса одамман. Бугун булмаса, эртандин албатта қазойим етади. Сен эса ҳали ёшсан. Ўйлаб иш қўлгин. Билим олгин. Билимиз одам мурт булади. Куриб турибсан — ҳаётда ҳамиша ҳам пул нажот булавермайди...

Орадан икки кун утгач, мўйсафид қазо қилибди. Бола бозорда мўйсафидга қилган муюмаласини эслаб, уз-узидан нафралтланиб кетибди.

Эрта тонгда шаҳардан чопар келиб, қоюқларни ўз юртларига чорлабди. Босқинчилардан озод бўлган шаҳар яна қайта қад ростлабди. Пулдор бола ҳам ўй-жойларини тиклаб олибди. Ишлари яна юришиб кетибди. Лекин саҳрода сўнти нон ва сувини унга бериб, узи оламдан кўз юмган мўйсафидни сирасира унтулмабди. Ҳатто тушларида ҳам мўйсафид ундан бир тилим қовун сўраб, ҳижолатта қўяр экан.

Кейинчалик у саҳрого бориб мўйсафиднинг хокини олиб келибди. Барча расм-русумларни қилиб, қабристонга кўмибди. Шунда ҳам кўнгли таскин топмабди. Виждан азоби — тузалмас дард экан!

#### Акрам АМИНЗОДА.

ди. Боланинг ҳам қорни роса очиқкан экан. У қопидан пул олиб, даврадагиларга яқинлашибди:

— Мана юз сўлкавой, битта нон беринг.

— Йўқ, беролмайман, — дебди даврабоши.

— Икки юз сўлкавой берсам, битта нон берасизми?

— Йўқ, — деб ҳади этишибди яна.

— Уч юз!..

— Йўқ дедим-ку болакай.

Бола бир тах пул узатибди. Яна рад жавобини олибди. Шунда ҳурлиги келиб, қопи ёнига қайтиб келибида-да, ёнбошлабди: «Нималар бўляпти узи?» ўйлабди у. «Ахир бир тах пулга бутун бошли нонвойхонани сотиб олса бўлади-ку».

Қуёш терак бўйи кўтарилиганда, бола чанқабди: Сал нарида ҳурмачадан сув қўйиб ичаётгандар даврасига яқинлашибди.

— Яхшилар, бир култум сув беринглар, эвазига қанча десангиз-шунча пул бераман, — дебди.

— Йўқ бўлмайди, — дебди оқ соқолли киши, — сувни оила аъзоларимга старли қилиб олганман. Ортиқчаси йўқ. Саҳрода омон қолиш учун ҳар ким ўз эҳтиёжини ўйлаб иш тутмоги керак...

— Бир култум сув берсангиз, бир тах пул берардим.

— Йўқ бўлмайди. Пулингни бошимга ураманми? Менга болаларимнинг ҳаётни зарур. Бу ер бозор эмас, пул ўтмайди. Магар пул қорнингни тўйдирса, чан-



Таҳрир ҳайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙўЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компаниярида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г-0642. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босингла топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30.

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тонгент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-йи.
- Нашр кўрсаткичи: № 64563
- Телефон: 33-44-25

## ЎЙЛАБ

Китоб  
жавонингизга

## ТОПИЛМАГАН ҚАТРАЛАР

Фани Абдуллаевнинг номи сизларга яхши таниш. Богбон бобонгизнинг шеърлари, насррий асарлари, митти ҳиояларини мароқ билан ўқигансиз. «Қўнғироқча», «Содда гулларим», «Богбон қалби», «Жийдага осилган беланчак» каби сиз севган тўпламлари сафидан «Ўйлаб топилмаган қатралар» деб номланган китоби ҳам жой олди. Китобчанинг ҳажми кичик бўлса-да, ундан она ернинг, чамандек боғ-роғларнинг нафаси уфуриб турганек бўлади.

## ЗАРУРИЙ ТОШ

— Устингдаги тош зил-зам бил. Жонинг эзилиб, оғриётгандир, — Тошбақага ачинди Типратикан.

— Менга билинмайди, тош именгил. Борди-ю унинг бир парчасини сенга берсам, кутариб юармидинг?

— Ие, нега кутариб юарканман?

— Тўгри у сенга керакмас. Оғирлик қиласи. Аммо керак булса олармидинг?

— Нега энди олмас эканман? — хурпайиб деди Типратикан.

— Ҳа, баракалла, менинг ҳам тошим керакли-да, шунинг учун оғирлиги билинмайди. Йиртқичлағнинг ўтқирлишларидан чучимай, бемалол яшайвераман, жавоб қиласи Тошбақа.

— Менинг ҳам олмас эканман? — сенга ухшаб хизмат қиласи. Тусимиз ўхшаш-ку, — ялтоқланди тепасидаги булаттга.

— Ишонмайман. Тусинг менга ўхшагани билан сендан ёқимсиз хид келаялти, — деди булатт ва шаррос ёмгирини қўйиб юборди.

## БУЛУТ ВА ТУТУН

Узун мўридан бурқисиб чиқаётган тутун самога ёйилди. Нияти ҳавони булғаш эди.

— Менинг ҳам сафинигта ол.

Сенга ухшаб хизмат қиласи. Тусимиз ўхшаш-ку, — ялтоқланди тепасидаги булаттга.

— Барниб тупроқни ушлаб турган тошга раҳмат!

## БАХОР КУЛАР

Бахор гуё янги келинчак. Кумкук дала-қирлар, мевали боғларнинг ранг-баранг туллари қуёш бусасига интиқ лаб очган. Бинафша лолалар келинчакни севган тақинчоги — либоси. Еқимли жилваси меҳнат аҳлида ширин туйгу ўйготади.

Богбон бог оралайди. Маъжланиб усаётган ниҳоли курса, чехрасига табассум, ланжроқ усаётганини курса, ажин, ташвиш югуради. Ланжлик сабабини излайди. Ости саёзроқ қазилган булса, илдизи зарантга тақалмадимикан, деб ўйлайди. У фарзанди — ниҳолини бузлатиб қўйишни истамайди. Бор меҳрини ниҳол парваришига сарфлайди. Ниҳолнинг танасида энди сувлар югуради, куртаклари тез бўртади.

— Яхшияни шу меҳр бор экан...

**Фани АБДУЛЛАЕВ.**

Қайси қулфнинг қалити эканини топишда Бурати ўга ёрдам беринг.

ТОНГ ЮЛДУЗИ  
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош мұхаррир  
Умида АБДУАЗИМОВА